

Мир Араб мадрасаси 500 йиллиги кенг нишонланади



14:07 / 26.11.2023 1379

Бугун, 26 ноябрь кунни Бухорои шарифда Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган “Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни” мавзuidaги халқаро анжуман бўлиб ўтади.

Нуфузли тадбирда Халқаро мусулмон уламолар кенгаши ва Абу Даби Тинчлик форумининг обрў-эътиборли уламолари, Ўзбекистон, Миср, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон сингари мамлакатлар муфтийлари, таниқли уламолар, исломшунос тадқиқотчи ва диний соҳа вакиллари (“Мир Араб” мадрасаси битирувчилари) иштирок этади.

Аллоҳ таоло мазкур йиғилишларни хайрли ва манфаатли бўлишини насиб этсин!